**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**
**Навоий вилояти Маданият**
**бошқармаси бошлиғи**

**____________Н. Ниязов**

# Сотувчи ташкилотни танлаб олиш учун

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

**Навоийш ш. -2022**

## Танлов хужжатларининг мазмуни:


IV. Танлов иштирокчилари учун йўриқнома
V. Техник қисм
VI. Нархлар қисми

# ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

## 1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1. Танлов предмети: **Навоий вилояти Маданият бошқармасига мусиқа асбоблари сотиб олиш учун.**

1.2. Танловнинг юкори қиймати – **149 274 000 (бир юз қирқ тўққиз миллион икки юз етмиш тўрт минг)** сўм (ҚҚС билан) . Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот бўйича Техник топшириқ танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4.Ишларни бажариш муддати: Ғолиб булган катнашчи билан шартнома имзоланган кундан бошлаб тузилган нуксон далолатномасига асосан белгиланган график буйича.

1.5 Ишларни бошлаш муддати– аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. **Навоий вилояти Маданият бошқармаси** (бундан кейин-“Буюртмачи” деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Навоий вилоят, Навоий ш., Меъморлар кўчаси 4А

Эл.адрес: **navoiyb@umail.uz**

2.2. Танлов “Буюртмачи” томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов **Навоий вилояти Маданият бошқармаси** “Буюртмачи” томонидан тузилган Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2.Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қуйилади:

танлов предмети қийматининг камида 1 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни борлигига банк маълумотномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги (буйруқ нусхалари;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар;

танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;

ўз кучлари билан илгари бажарилган ишларидан фото маълумотлар;

солиқ, кредит ва бошқа турдаги муассасалардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги

Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қуйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

қайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок,

холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар "Буюртмачи" ва "Иштирокчи" ихтиёрига кўра ўзбек ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.2. танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, "Буюртмачи" томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак;
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар тартиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган бўлиши керак.

Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда ваколатли шахс электрон имзоси билан тасдиқланган ҳолда **Республика товар хом-ашё биржаси** орқали электрон тақдим этишлари лозим.

4.3. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

Техник ва нархлар бўйича қуйидаги таклифлар:

- Техник хужжатлар руйхати (брошюралар, техник паспортлар ёки ўхшаш хужжатлар рўйхати илова қилинади);

4.4. Танлов иштирокчиси:

-фақат битта таклиф бериши мумкин;

- тақдим этилаётган хужжатларнинг ҳақиқийлиги ва маълумотларнинг ҳаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;

- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

## 5. ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ МУДДАТИНИ УЗАЙТИРИШ

5.1. Харид комиссияси танлов учун таклифларни қабул қилиш муддатини барча иштирокчилар учун таалуқли холда эълон қилинган муддатдан яна 5- календар кунга узайтириши мумкин.

5.2.Таклифлар муддатини узайтирилиши фақат харид комиссияси йиғилиши қарори асосида амалга оширилади.

5.3. Танлов муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор махсус ахборот порталида жойлаштирилиши лозим.

## 6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар

6.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

6.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни ҳақиқийлиги ва тўғрилига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 7. БОШҚА ШАРТЛАР

7.1. Давлат буюртмачиси танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов ҳужжатларига ўзгартишлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартишлар киритилади.

7.2. Танлов иштирокчиси танлов ҳужжатлари қоидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртмачисига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов ҳужжатларининг қоидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.

7.3. Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси харид комиссиясининг барча аъзолари томонидан имзоланади ҳамда ундан олинган кўчирма у имзоланган кундан эътиборан уч иш куни ичида махсус ахборот порталида эълон қилинади.

7.4. Танловнинг исталган иштирокчиси таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилинганидан сўнг давлат буюртмачисига танлов натижаларига доир тушунтиришларни тақдим этиш тўғрисида сўров юборишга ҳақли. Давлат буюртмачиси бундай сўров келиб тушган санадан эътиборан уч иш куни ичида танлов иштирокчисига тегишли тушунтиришларни тақдим этиши шарт.

7.5 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва ўзи билан шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан берилган таклифда кўрсатилган шартлар асосида тузилади.

**Навоий вилояти Маданият бошқармасига мусиқа асбобларини етказиб бериш ва ўрнатиш ишларини бажариш бўйича**

**ТЕХНИК ТОПШИРИҚ**

| № | Асосий маълумотлар | Бажарувчи |
|---|---|---|
| 1 | Объект номи | Навоий вилояти Маданият бошқармасига мусиқа асбобларини етказиб бериш |
| 2 | Буюртмачи | Навоий вилояти Маданият бошқармаси |
| 3 | Буртма учун асос | Навоий вилояти Маданият бошқармасига мусиқа асбобларини етказиб бериш, зарурий талабга кўра |
| 4 | Объектнинг жойлашган манзили | Навоий шаҳар Меъморлар кўчаси 4А |
| 5 | Қатнашувчилар учун талаблар | Навоий вилояти Маданият бошқармасига мусиқа асбобларини етказиб бериш ва ўрнатишни сифатли тарзда бажариш |
| 6 | Тижорат таклифларини тақдим этиш шартлари | Иштирокчиларнинг солиқлар бўйича қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумотнома, Давлат харидлари порталида етказиб берувчиларнинг инсофсиз етказиб берувчи рестрида қора рўйхатида турмаслиги, ишларини сиффати ва муддатида бажарилиши бўйича кафолат хати, банкнинг айланма маблағлар тўғрисида маълумотномаси, муқаддам бажарилган ишлари шартнома нусхаларини тегишли тартибда электрон тақдим этиш. |
| 7 | Барилган ишларнинг ҳисоб-китоби | Олдиндан 30% ва ишлар бажарилгандан кейин тақдим этилган счет фактурага асосан 70% тўлов |
| 8 | Ишни бажариш муддати | 2022 йил 31 июл |
| 9 | Техника хавфсизлиги бўйича | Ишларни бажарилиш жараёнида техника |

| | | |
|---|---|---|
| | талаблар | хавфсизлиги қоидалари ва нормаларига риоя этиши шарт |
| 10 | Молиялаштириш манбаи | Бюджет маблағлари ҳисобидан |

**Етказиб бериладиган товарлар рўйхати**

| № | Номи | Шт (дона) | Оддий нархлари | Жами | Жами нархлари | Параметри |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Рубоб укув механик кулок** | 1 | 1 100 000 | 1 | 1 100 000 | Дастаси енгок коса хонаси йигма чинор клион акатсия харраги енгок дарахтларидан таерланади кулоклари механик бурама кулок териси мол тери копланган ля ми сими полат сол сими суний леска |
| 2 | **Кашкар рубоб уйма** | 1 | 3000000 | 1 | 3 000 000 | Кашкар рубоб уйма заказной |
| 3 | **Дутор** | 1 | 1 100 000 | 2 | 2 200 000 | Дутор альт. сифатли. замонавий килиб тайёрланган |
| 4 | **Доира пайванд** | 1 | 380 000 | 2 | 760 000 | Гардиши: зарангдан. Териси: мол терисидан.Халкалари: метал айланашалар. Ранги: ош сарик. Яни эгма гардишли. |
| 5 | **Фортепианино** | 1 | 45000000 | 2 | 90 000 000 | Стандартные параметры пиани но: 1480x1160x580 мм, то есть 148 см в длину, 116 см в высоту и 58 см в глубину (или ширину). Разумеется, что далеко не каждая модель пианино имеет такие размеры: точные данные можно узнать из паспорта конкретной модели. |

| | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|
| 6 | **Короколпок миллий ала мойнак дуутор** | **1** | **1100000** | **5** | **5 500 000** | Ала Мойнак дутары, узынлыгы 1,5 см, Ерик агашынан исленген, тары полат сымнан, тийеги ерик агашынан, нагыслары пласмассадан исленген |
| 7 | Фортепиано | Дона | 45 000 000,00 | 1 | **45 000 000** | 1. Баландлиги: 110 см<br>2. Вазни: 176 кг<br>3.Танаси (корпус): танланган арча, 4 та брусли<br>4. Рама: қуйма темир рама<br>5. Қозиқлар (колки): немис никел қопланган пўлат<br>6. Торлари (струны): Roslau.<br>7. Бош сатрининг максимал узунлиги: 1010 мм<br>8. Дека: енг юқори сифатли арча |
| **10** | **Пюпитер - кчик стойкали** нота учун (Пульт - маленкая для нот) | Дона | 171 400,00 | 10 | **1 714 000** | Пюпитер (пульт) для нот.<br>Аксессуар: Металл.<br>Ранги: қора.<br>Махсулоти вазни, 1000г |
| **Жами шартнома** | | | | | **149 274 000** | |